

**“Ўсимликларнинг янги навларини патентлаш”
мавзусида Миллий семинар
ПРЕСС-РЕЛИЗИ**

2018 йил 5 июнь куни Интеллектуал мулк агентлиги (Агентлик) томонидан Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро иттифоқ (УПОВ) билан ҳамкорликда ташкил этилган “Ўсимликларнинг янги навларини патентлаш” мавзусидаги Миллий семинари (Семинар) ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзларининг чиқишларида “Сўнгги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни албатта хушёрликка чақириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур” деб таъкидлаб ўтганлари барчамизга маълум.

Шунингдек, республикамызда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш бўйича бир қатор қарорлар ва фармойишлар қабул қилинаётганидан ҳам барчамиз хабардормиз. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик соҳасини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” каби қарорлар, “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ва бошқаларни мисол қилишимиз мумкин.

Маълумки, республикамызда селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни¹ орқали тартибга солинади. Ушбу қонунга биноан Республикамызда селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминловчи орган Агентлик ҳисобланиши, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси талабномада кўрсатилган селекция ютуқларининг патентга лаёқатлилигини экспертизадан ўтказиши белгилаб қўйилган².

Агентлик селекция ютуқларига талабномаларни қабул қилади ҳамда кўриб чиқади ва уларни расмий экспертизадан ўтказиши, ўсимлик навлари ҳамда ҳайвон зотлари давлат реестрини юритади, селекция ютуқларига патентлар беради. Шунингдек, Агентлик қабул қилинган талабномалар, рўйхатдан ўтказилган ва муҳофаза ҳужжатлари олган селекция ютуқлари тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий нашрлари орқали эълон қилади.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк соҳасидаги ўндан ортиқ халқаро шартномаларга аъзо бўлган. Жумладан, республикамыз 2004 йил 14 ноябрдан Ўсимликларнинг янги навларини ҳуқуқий муҳофазаси бўйича халқаро конвенцияси аъзоси

¹ «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1996 йил 30 августда қабул қилинган, ҳамда 1997, 1999, 2002, 2011 ва 2017 йилларда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири тасдиқланган.

² Патентга лаёқатлилиқ экспертизаси ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ўтказиладиган янгилликка экспертиза ҳамда фарқланиш, турдошлик ва барқарорликка синовлардан иборат.

ҳисобланади. Конвенция ўсимликлар янги навларининг селекционерларига тақдим этиладиган халқаро муҳофаза тизимини таъсис этади, ҳамда учта асосий категорияга бўлинади: миллий режим, устуворлик ҳуқуқи ва умумий қоидалар. Конвенция Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро иттифоқ (УПОВ) томонидан Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) билан ҳамкорликда маъмурийлаштириб борилади.

Ўзбекистоннинг УПОВ Конвенциясидаги иштироки унинг нормаларига риоя қилишни талаб этади. Жумладан, Конвенциянинг 3-моддасида белгилаб қўйилганидек, Конвенция иштирокчиси бўлган давлат Конвенцияга қўшилган санадан эътиборан 10 йил давомида унинг қоидаларини селекция ишлари олиб борилаётган барча ўсимлик туркумлари ва турларига нисбатан қўллаши лозим.

Айнан бугун семинарнинг асосий мақсади ҳам ўсимликларнинг янги навларини ҳуқуқий муҳофазасини тарғиб қилиш, маҳаллий селекционерлар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларнинг интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ушбу соҳадаги хориж тажрибасини ўрганишга қаратилган.

Семинарда республикамиз мутахассислари, жумладан, Агентликнинг Патент талабномаларининг расмий экспертизаси бўлими бошлиғи Саидахмад Азимов томонидан “Ўзбекистон Республикасида ўсимлик навларининг ҳуқуқий муҳофазаси”³ мавзусида, ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари соҳасидаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси Бахтиёр Халманов томонидан “Ўзбекистонда ўсимликлар янги навлари ҳуқуқий муҳофазаси: селекционерлар тажрибаси” ва Қишлоқ хўжалиги экинларини синаш давлат комиссияси Техник экинлар бўлими бошлиғи Муртаз Исраилов томонидан “Патентга лаёқатлик мезонлари бўйича экспертиза қилиш ва синовларни ўтказиш” мавзуларида маърузалар қилинди.

Шунингдек, Семинарда хорижий мутахассислар УПОВнинг ўқув ва қўллаб-қувватлаш бўйича директори, ҳуқуқий маслаҳатчи Йоланда Хуерта ўзининг “UPOV PRISMA” – талабномаларни осонлаштирилган кўринишда топшириш учун восита ва “Ўсимликларнинг барча турлари ва навларининг ҳуқуқий муҳофазаси: экспертиза ўтказишда ҳамкорлик келишуви” мавзуларида, ҳамда УПОВнинг Минтақавий ходими Томочика Мотомура “Ўсимлик навларига талабномалар экспертизаси: янгилиги ва номланиши” ва “Ўсимлик навларига талабномалар экспертизаси: турдошлик, фарқланиш ва барқарорлик мезонлари” каби маърузалари ва презентациялари билан иштирок этдилар.

Семинар охирида барча маърузалар бўйича муҳокамалар олиб борилди, хорижий мутахассислар томонидан иштирокчилар учун давра суҳбатлари ташкил этилди.

Тадбирда қатнашган республикамизнинг селекционер-олимлари, илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари ва тадқиқотчи докторантлари учун мазкур Семинар жуда фойдали бўлди, ҳамда селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича хориж тажрибасини ўрганишга имкон берди, бундан ташқари селекционерларнинг муаммоли масалалари бўйича фикрлар билдирилди.

³ Маълумот учун: Охирги беш йил (2013-2017 йй.) давомида Агентликка 133 та селекция ютуқлари бўйича (128 та ўсимлик навлари, 5 та хайвон зотлари) талабнома келиб тушган, улардан 112 таси расмий экспертизадан ўтказилган. Давлат реестридан 64 та талабнома (63 та ўсимлик навлари, 1 та хайвон зотлари) рўйхатдан ўтказилган ва муҳофаза ҳужжатлари патентлар берилган.